

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ҲУҚУҚ
СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган, ҳафтада бир марта чоп этилади

ПАРЛАМЕНТ ХАБАРЛАРИ

Сенатнинг X ялпи мажлиси бўлиб ўтди

Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган Олий Мажлис Сенатининг X ялпи мажлисида сенаторлар қуйидаги қонунларни кўриб чиқдилар ва маъқулладилар:

- «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгаришлар киритиш тўғрисида (80, 93, 108 ва 109-моддаларига)»ги. Қонун суд-ҳуқуқ соҳасини ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кенгайтириш, уларнинг одил судловга эришиш даражасини, одил судловни амалга ошириш самарадорлиги ва сифатини ошириш, судьялар лавозимига номзодларни танлаш ва тайинлаш тизимини янада такомиллаштириш, шунингдек, табиатни муҳофаза қилиш ва экологик хавфсизлиқни таъминлаш чора-тадбирларини кучайтириш вазифаларини рўйбга чиқаришга қаратилган принципаи қоидалардан иборатдир.

- «Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида»ги. Конституциявий қонунда судьялар ваколатларининг муддати ва судьяликка номзодларга қўйилган талаблар аниқ белгиланган, Конституциявий суд фаолиятининг ташкилий масалалари батафсил очиқ берилмоқда.

- «Суд ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳузуридаги Суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда суд тизими мустақиллигини таъминлаш бўйича тадқиқот маркази ходимларининг мансаб даражалари тўғрисидаги низомига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги. Сенаторларнинг фикрича, ушбу ўзгариш ва қўшимчалар суд ҳокимияти фаолиятининг самарадорлигини ва нуфузини оширишга қўмаклашади.

- «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги. Қонун 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни бажариш, шунингдек, мамлакатимиз Президентининг фармонлари ва қарорларини ижро этиш мақсадида ишлаб чиқилган.

Жумладан, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида»ги Конституциявий қонунга, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг регламенти тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг регламенти тўғрисида»ги, «Парламент назорати тўғрисида»ги, «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги, «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонунларга ўзгариш ҳамда қўшимчалар киритилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига киритилган ўзгаришлар ерлардан ҳужасизларча фойдаланганлик ёки уларни яроқсиз ҳолга келтирилганлик, ер ости бойликларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш талабларини, сув захираларини муҳофаза қилиш қоидаларини, сановат, рўзғор чиқиндилари ва ўзга чиқиндиларни ташиш, жойлаштириш, утиллаштириш, қумиб ташлаш чоғида табиатни муҳофаза қилиш талабларини бузганлик, шу жумладан,



ушбу ҳуқуқбузарликларни такроран содир этганлик учун жавобгарлиқни кучайтиришга қаратилган.

Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлаш, хусусий мулкни ҳар томонлама муҳофаза қилиш ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир комплекс чора-тадбирлар дастурига мувофиқ «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги қонунга, Ҳўжалик процессуал кодексига, Солиқ кодексига ўзгариш ва қўшимчалар киритилмоқда. Ушбу ўзгариш ва қўшимчалар давлат солиқ хизмати органлари фаолиятида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишни янада кенгайтиришга, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар йиғишга сарфланадиган харажатлар камайишини таъминлайдиган маъмуриятчилик ишларини такомиллаштиришга, масофавий (камерал) назоратни кенг жорий этишга ва солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга, судлар ва жараён иштирокчилари ўртасида ҳужжатлар айирбошлаш механизмни соддалаштиришга ва тезкорлигини оширишга қаратилган.

Қонун билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатлари ўз кучини йўқотган деб топилмоқда.

- Бир қатор халқаро ҳужжатларни ратификация қилиш тўғрисидаги қонунлар ҳам кўриб чиқилди. «Ўзбекистон Республикаси билан Туркменистон ўртасидаги Стратегик шериклик тўғрисидаги шартномани (Ашхобод, 2017 йил 6 март) ратификация қилиш ҳақида»ги, «Ўзбекистон Республикаси, бир томондан, ва Европа Ҳамжамиятлари ҳамда уларга аъзо-давлатлар, иккинчи томондан, ўртасида шерикчилик таъсис этувчи Шерикчилик ва Ҳамкорлик тўғрисидаги Битимга икки томонлама тўқимачилик Шартномасининг амал муддати тугаганини ҳисобга олиб, Битим қоидаларини тўқимачилик маҳсулотларининг икки томонлама савдосига кенгроқ қўламада қўллаш мақсадида Битимга ўзгариш киритиш тўғрисида Баённомани (Тошкент, 2011 йил 7 апрель) ратификация қилиш ҳақида»ги, ҳамда «Қайта тикланувчи энергия бўйича Халқаро Агентлик уставини (Бонн, 2009 йил 26 январь) ратификация қилиш ҳақида»ги қонунлар шулар жумласидандир.

Ялпи мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ваколатига қирадиган бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди. Тегишли қарорлар қабул қилинди.

Олий Мажлис Сенатининг Ахборот хизмати материали асосида.

Янги ҳужжатларни тақдим этамиз

Тақдим этилаётган, шунингдек сўнгги пайтда қабул қилинган бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан «Norma»

АҚТ ва norma.uz, nrm.uz сайтларида танишиб чиқишингиз мумкин.



Гидроэлектростанциялар «Ўзбекгидроэнерго» АЖга ўтди

Президентнинг 18.05.2017 йилдаги ПФ-5044-сон Фармони билан «Ўзбекгидроэнерго» АЖ ташкил этилиди ва унинг асосий вазифалари белгиланди.

Компания «Ўзбекэнерго» АЖнинг гидроэлектростанциялари, гидротехник ва бошқа гидроэнергетика билан боғлиқ бўлиналари, шунингдек Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлигининг «Ўзсувэнерго» бирлашмаси негизда ташкил этилмоқда. «Ўзбекгидроэнерго» АЖга 2017–2021 йилларда гидроэнергетикани янада ривожлантириш чора-тадбирлари дастури (2.05.2017 йилдаги ПҚ-2947-сон қарор билан тасдиқланган) ўз вақтида ва сифатли амалга оширилишини таъминлаш бўйича ижро этувчи ва масъул орган вазифаси топширилди.


Шу муносабат билан компаниянинг гидроэлектростанцияларида ишлаб чиқарилган электр энергиясини сотишдан тушган маблағлар, фаолият юритаётган гидроэлектростанцияларни сақлаб туриш харажатларини чегириб ташлаган ҳолда, Дастурда назарда тутилган янги гидроэлектростанциялар қуриш ва ишлаб турганларини модернизация қилишга йўналтирилади. Ушбу маблағлар юридик шахсларнинг фойда солиғи солиқ базасидан чиқарилади.

Уларда ишлаб чиқарилган электр энергияси учун ҳақ тўлаш ҚҚСни ҳисобга олган ҳолда истеъмолчилар учун пировард тарифнинг 85%и миқдорида шакллантириладиган тарифлар бўйича амалга оширилади.

Мамлакатдаги энергетика тизими барқарор ва ишончли ишлашини таъминлаш мақсадида «Ўзбекэнерго» АЖ Миллий диспетчерлик маркази орқали «Ўзбекгидроэнерго» АЖ корхоналари тезкор-диспетчерлик бошқарув масалаларини умумий тарзда мувофиқлаштирилади. Бундан ташқари, «Ўзбекэнерго» АЖ «Ўзбекгидроэнерго» АЖ корхоналари томонидан ишлаб чиқариладиган электр энергияни тўлиқ харид қилади.

Фармацевт лицензияни қандай олади?

Вазирлар Маҳкамасининг 12.05.2017 йилдаги 284-сон қарори билан Фармацевтика фаолиятини лицензиялаш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тасдиқланди.



Ушбу сонда:

4-БЕТ

Ваколатхона очиш тартиб-қоидалари

7-БЕТ

Хизмат сафаридамисиз? Ҳужжатлар билан Шартномасини!

8-БЕТ

Тафтишчининг совуққонлиги – жиноятчига «туйнук» очади

Фармацевт лицензияни қандай олади?

1-бетда Эслатиб ўтамиз, дори воситалари ва тиббий буюмларни чакана реализация қилиш учун берилган лицензиялар фармацевтика фаолиятининг бошқа йўналишларини амалга ошириш ҳуқуқи учун лицензиялардан алоҳида берилди.

Чакана реализацияни лицензиялаш

Тасдиқланган Дори воситалари ва тиббий буюмларни чакана реализация қилишни лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ уларни фақат дорихоналар ва уларнинг филиаллари реализация қилишлари мумкин.

Дори воситалари ва тиббий буюмларни чакана реализация қилишни лицензиялаш Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари томонидан «ягона дарча» марказлари ёки ЯИДХП орқали амалга оширилади.

Мазкур ҳолатда 5 йилга ёки фақат лицензия талабдорининг аризасига биноан ундан кам муддатга намунавий (оддий) лицензиялар берилди.

Лицензия шартлари орасида қонун ҳужжатларининг бузилганлиги оқибатида лицензиясининг амал қилиши тўхтатилган дорихоналарнинг ходимлари реестрига киритилмаган шахслардан дорихона (унинг филиали) ходимлари тарихини шакллантириш кўрсатилган. Бундан ташқари, дорихона мудри албатта олий фармацевтик

маълумотга эга бўлиши керак (дорихона филиали мудрининг фармацевт ассистенти (ёрдамчиси) ихтисослиги бўйича ўрта махсус касбий маълумотга эга бўлишига йўл қўйлади). Дорихоналарга тегишли бино (хоналар) лицензиянинг мулки ёки ўзига мулк ҳуқуқи билан тегишли бўлиши ва белгиланган талабларга мувофиқ келиши, шу жумладан зарур моддий-техник базаси мавжуд бўлиши керак.

Лицензия олиш учун лицензия талабгори бевосита «ягона дарча» марказига ўзи келиб ёки ЯИДХП орқали электрон тарзда келтирилган шакл бўйича лицензия бериш тўғрисида ариза, шунингдек лицензия бериш тўғрисидаги ариза қўриб чиқилганлиги учун ЭКИХнинг 2 баравари миқдорида йигим тўланганлигини тасдиқлайдиган маълумотлар тақдим этади. Дорихоналар филиали очилиши билан бир вақтда лицензия бериш тўғрисида ариза берилган тақдирда белгиланган йигим ҳар бир очиладиган филиал учун ундирилади.

Лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги қарор лицензия талабдорининг аризаси олинган кундан бошлаб 15 кундан ортиқ бўлмаган муддатда қабул қилинади. Белгиланган муддат мобайнида лицензия талаблари ва шартларига мувофиқлик белгиланади. Лицензия бериш фақат «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Қонуннинг 17-моддасида белгиланган асослар бўйича рад этилиши мумкин.

Лицензия берилганлиги ёки унинг амал қилиш муд-

дати узайтирилганлиги учун лицензия талабгори, лицензиат томонидан ЭКИХнинг 10 баравари миқдорида давлат божи тўланади.

Фармацевтика фаолиятининг бошқа турларини лицензиялаш

Фармацевтика фаолиятини (дори воситалари ва тиббий буюмларни чакана реализация қилиш бундан мустасно) лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ дори воситаларини ва тиббий буюмларни ишлаб чиқариш, тайёрлаш, сифатини назорат қилиш ва улгуржи реализация қилиш, уларни яратиш бўйича илмий-тадқиқот ишлари, шунингдек доривор ўсимлик хом ашёсини қадоқлаш ва улгуржи реализация қилиш Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан лицензияланади.

Лицензиялаш «ягона дарча» марказлари ёки ЯИДХП орқали амалга оширилади. Бунда даъвогар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

➤ лицензияловчи орган томонидан тасдиқланган шаклга мувофиқ лицензия бериш тўғрисида ариза;

➤ моддий-техника базаси, асбоб-ускуналар, бошқа техник воситалар ва ходимларнинг мавжудлиги тўғрисидаги маълумотлар (Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланади ва Интернетда мажбурий эълон қилинади).

Аризани қўриб чиқиш муддатлари, уни қўриб чиққанлик учун йигим миқдори, лицензия берилиши учун давлат божи ва унинг амал қилиш муддати узайтирилиши қисмида лицензиялаш тартиби дорихоналарни лицензиялашнинг тегишли шартлари билан бир хилдир.

Ким валюта тушумини мажбурий сотмайди?

Вазирлар Маҳкамасининг 17.05.2017 йилдаги 290-сон қарори билан Ҳўжалик юритувчи субъектлар томонидан хорижий валютадаги тушумни мажбурий сотиш тартибига (29.06.2000 йилдаги 245-сон ВМҚ билан тасдиқланган) ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Киритилган тузатишлар билан валюта тушумини мажбурий сотишдан озод этилган тушумлар рўйхати

кенгайтирилди. Эслатиб ўтамиз, уларга қуйидагилар киритилди:

➤ туризм операторларига улар томонидан кўрсатилган туризм хизматлари учун келиб тушган валюта (мазкур тартиб 2017 йилнинг бошидан амал қилмапти);

➤ тўқимачилик ва тикув-трикотаж тармоғининг 7 турдаги ноозик-овқат истеъмол товарлари экспортдан олинган валюта (тайёр ип газлама, аралаш ва ипак матолар (атласдан ташқари), тайёр тикув буюмлари ва

кийимлар, бош кийимлари (миллий бош кийимлардан ташқари), пайпоқ маҳсулотлари, шунингдек тўқимачилик атторлик маҳсулотлари);

➤ Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида рўйхатдан ўтган ва тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган юридик шахсларнинг ўзи ишлаб чиқарган саноат маҳсулотларини экспорт қилишдан олинган валюта, алоҳида хом ашё товарлари бундан мустасно.

Тартиб илгари қабул қилинган ҳужжатларга мувофиқлаштирилди.

Давлат мулкнинг 18 та объекти бузилади

Вазирлар Маҳкамасининг 17.05.2017 йилдаги 291-сон қарори билан сотиладиган, бепул фойдаланишга бериладиган, шунингдек бузиб ташланадиган давлат мулки объектларининг рўйхати тасдиқланди.

Ижтимоий инфратузилманинг уларни хусусийлаштиришда тасарруф этиш ҳуқуқисиз фойдаланиш учун ташкилотларга берилган ва ташкилотлар ҳудудидан ташқарида жойлашган давлат объектлари ҳатловдан

ўтказилди. Хатлов натижаларига кўра қуйидагиларни амалга оширишга қарор қилинди:

➤ давлат мулкнинг алоҳида объектларини сотиш;

➤ қатор давлат мулки объектларини оператив бошқариш ҳуқуқи билан, кейинчалик улардан самарали фойдаланиш учун ташкилотларга бепул бериш (уларнинг бир қисми баланс тутувчининг тасарруфида унинг объектга бўлган ҳуқуқини аниқлаштирган ҳолда қолдирилади);

➤ давлат мулки объектларини ҳўжалик бошқаруви органлари устав капиталига бериш;

➤ баъзи объектларни ваколатли органларнинг ҳуқуқлари ва тўғри қўйиш (шаҳар) ҳокимликлари қарорига кўра бузиб ташлаш (бузиш жадваллари жойлардаги давлат ҳокимияти органлари томонидан Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси билан биргаликда тасдиқланади);

➤ турар жой биноларидан самарали фойдаланиш, шу жумладан уларни устувор ҳуқуқ билан ушбу турар жой биноларида яшаётган фуқароларга хусусийлаштириб бериш масалаларини қўриб чиқиш.

Олег Заманов,
«Norma Online» эксперти.

ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН ҚИЙМАТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2017 йил 30 майдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қийматини белгиледи:*)

1 Австралия доллари2859,36	1 Малайзия рингити901,63
1 Англия фунт577,11	1 Польша злотийси1027,06
1 стерлинги4933,31	1 СДР5321,52
1 Дания кронаси1047,22	1 Туркия лираси1075,96
1 БАА дирҳами3846,33	1 Швейцария франки3944,55
1 АҚШ доллари212,74	1 ЕВРО4316,74
1 Миср фунти38,4	10 Жанубий Корея вонини34,34
1 Исландия кронаси2857,18	10 Япония иенаси345,61
1 Канада доллари561,3	1 Россия рубли67,77
1 Хитой юани561,3	1 Украина гривнаси146

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмасин.

УШБУ СОНДА

● ПАРЛАМЕНТ ХАБАРЛАРИ

– Сенатнинг X ялпи мажлиси бўлиб ўтди **1-бет**

● ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

– Янги ҳужжатларни тақдим этамиз
– Валюталар курси **1-2-бетлар**

● ҲЎЖАЛИК ЮРИТИШ ҚОИДАЛАРИ

– «Қайта ташкил этиш» операцияси
– Қандай қилиб ваколатхона очиш мумкин

3-4-бетлар

● КАДРЛАР БЎЛИМИ

– Янги ходимлар учун жадвал
– келишувга кўра

– Компенсация тўлиниши лозим бўлган таътиллار

– Хизмат сафарини расмийлаштираимиз

– Кадрларга оид мажбурий ҳужжатлар

– Ўқитувчининг узоқ дам олиши **5-6-бетлар**

● КРИМИНАЛИСТ ЭКСПЕРТ ЁН ДАФТАРИДАН

– Апельсин ўрнига картошка

7-8-бетлар

● СИЗНИНГ ҲУҚУҚИНГИЗ

– Шахсий ҳаётинингизни корпоратив ҳаёт билан адаштирмang **8-бет**

МДҲ ВА БОЛТИҚБЎЙИ МАМЛАКАТЛАРИ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ АҚШ ДОЛЛАРИ, ЕВРО ВА РОССИЯ РУБЛИГА НИСБАТАН КУРСЛАРИ

Мамлакат	Сана	АҚШ доллари		Евро		Россия рубли	
		бирлиги	курс	бирлиги	курс	бирлиги	курс
Озарбайжон	26.05.2017	1	1,7020	1	1,9062	1	0,0300
Арманистон	26.05.2017	1	481,77	1	540,26	1	8,50
Беларусь	29.05.2017	1	1,8598	1	2,0868	100	3,2799
Грузия	29.05.2017	1	2,4172	1	2,7114	100	4,2921
Қозоғистон	29.05.2017	1	311,59	1	349,39	1	5,5
Қирғизистон	29.05.2017	1	67,9504	1	76,2675	1	1,1972
Молдова	29.05.2017	1	18,2501	1	20,4829	1	0,3217
Россия	27.05.2017	1	56,7560	1	63,6689	–	–
Тожикистон	29.05.2017	1	8,8200	1	9,8863	1	0,1527
Туркменистон	29.05.2017	1	3,5000	1	3,9137	100	6,1934
Украина	29.05.2017	100	2 634,5368	100	2 949,6274	10	4,6419

Марказий (миллий) банкларнинг расмий сайтлари маълумотлари асосида.

Тахририят аноним хатларга муносабат билдирмаслиққа, қонун ҳужжатларида белгилангандан ташқари ҳолларда респондентнинг хоҳишига кўра у ҳақдаги ахборотни учинчи шахсларга бермаслиққа ҳақли.

«Норма маслаҳатчи» газетасида эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб бериш, электрон ва бошқа манбаларда қўйиб юбориш, тарқатишга **«NORMA» gazetaları birlashgan tahririyati** МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.

«А» шубба корхонаси «Б» ШКни ўзига қўшиб оляпти. Уларнинг ҳар бири ягона муассисга эга (Франция резидентлари). Иккаласи 90-йилларда рўйхатдан ўтказилган, уставларида ташкилий-ҳуқуқий шакли кўрсатилмаган. Бироқ ушбу корхоналар ўз фаолиятларидаги масалаларни ҳал этишда «Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги Қонун қоидаларига амал қиладилар.

Битта ШК муассислари турли шахслар бўлганда бошқасини қўшиб олишга ҳақлими? Уларнинг давлатлари ҳукуматидан қандайдир ҳужжатлар олиниши зарурми?

Қўшиб олиш жараёнини батафсил баён этсангиз ва бунинг учун зарур ҳужжатлар рўйхатини келтирсангиз.

Е.Р.

— Ҳа, ҳақли¹. Битта ШК бошқасига қўшиб олиниши мумкин. Бунинг учун иккала ШК муассислари давлатининг ҳукумат муассасаларидан ҳеч қандай ҳужжатлар талаб этилмайди.

Ўтган йилларда, айниқса 90-йилларда тижорат ташкилотлари рўйхатга олиниши амалиётини ўргансак, ҳақиқатан ҳам ўшанда кўпгина фирмалар (аввало ШК) таъсис ҳужжатларида ташкилий-ҳуқуқий шакли (бундан кейин — ТХШ) кўрсатилмай рўйхатдан ўтказилганлигига гувоҳ бўламиз. Аслида ФКда ҳам, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ҳам ШК ТХШ сифатида белгиланмаган. Сўнгги йилларда рўйхатдан ўтказувчи органлар янги ташкил этилаётган тадбиркорлик субъектлари — юридик шахслардан таъсис ҳужжатларида аниқ ТХШни албатта кўрсатишни талаб қилиб, бунга эътибор бера бошладилар.

«Қайта ташкил этиш» операцияси

Модомики уставларида ТХШ кўрсатилмаган «А» ва «Б» ШКдаги барча муҳим қарорлар, ёзганингиздек, «Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги Қонун (бундан кейин — МЧЖ тўғрисидаги Қонун) қоидаларини ҳисобга олиб қабул қилинар экан, қўшиб олиш шаклида қайта ташкил этиш жараёнининг айти МЧЖга нисбатан қўлланилиши баён этамиз. Айти у энг кенг тарқалган ташкилий-ҳуқуқий шакллардан бири ҳисобланади.

2017 йил 1 апрелда Тадбиркорлик субъектларини

давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисида низом (ВМнинг 9.02.2017 йилдаги 66-сон қарорига 1-илова, бундан кейин — Низом) қучга кирди. Шунинг ҳисобга олиб, кўриб чиқилаётган саволга ФК, МЧЖ тўғрисидаги Қонун ва 23-сон БҲМС «Қайта ташкил этишни амалга оширишда молиявий ҳисоботни шакллантириш» (АВ томонидан 27.06.2005 йилда 1484-сон билан рўйхатдан ўтказилган) қоидалари билан боғланган ҳолда унинг нормаларига мувофиқ жавоб берамиз.

4-бетда

Қўшиб олиш шаклида қайта ташкил этишда хатти-ҳаракатлар алгоритми

Қўшиб олинаётган ШК

1-қадам. Топшириш далолатномаси лойиҳасини тузиш олдиндан корхона активлари ва мажбуриятларини инвентаризация қилиш зарур. Далолатнома уларнинг тўғрилигини (мавжудлиги, ҳолати ва баҳосини) тасдиқлайди (23-сон БҲМСнинг 10-банди «б» кичик банди).

2-қадам. Топшириш далолатномаси лойиҳасини тайёрлаган (унда «А» фирмасини қўшиб олинаётган «Б» фирмасининг барча кредиторлари ва қарздорларига нисбатан барча мажбуриятлари, шу жумладан бахш-лашлайётган мажбуриятлар бўйича ҳуқуқий ворислиги тўғрисидаги қондани кўрсатинг) (ФКнинг 51-моддаси 1-қисми; Низомнинг 21-банди 11-хатбошичи). Топшириш далолатномасини ҳисобот даври (йил) охирида тузган маъқул. Айти шу пайтда қайта ташкил этилаётган корхонанинг берилаётган активлари ва мажбуриятларини реал баҳолаш имкони юзага келади (23-сон БҲМСнинг 13-банди).

3-қадам. Ягона муассис² қайта ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилиши, қўшиб олиш ҳақидаги шартнома ва топшириш далолатномасини тасдиқлаши керак (ФКнинг 51-модда-

си 2-қисми; МЧЖ тўғрисидаги Қонуннинг 49-моддаси 2-қисми).

4-қадам. Қайта ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан бошлаб 30 кундан кечиктирмай барча кредиторларни бу ҳақда ёзма равишда хабардор қилиш шарт (ФКнинг 52-моддаси 1-қисми; МЧЖ тўғрисидаги Қонуннинг 49-моддаси 6-қисми).

5-қадам. Ягона интерактив давлат хизматлари порталида кредиторлар танишиб чиқишлари учун қайта ташкил этиш тўғрисида хабарни эълон қилиш зарур (Низомга 10-илова). Бунда ушбу хабарни босма ОАВда эълон қилиш талаб этилмайди³.

Қўшиб олаётган ШК

1-қадам. «А» фирмасининг ягона муассиси «Б» фирмасини қўшиб олиш шаклида қайта ташкил этиш ҳақида қарор қабул қилади ва қўшиб олиш тўғрисидаги шартномани тасдиқлайди.

2-қадам. МЧЖ шаклидаги ТХШни кўрсатган ҳолда таъсис шартномасини тузиш (зеро унинг иштирокчилари таркиби камида 2 шахсдан иборат бўлади); иштирокчиларининг таркиби янгиланиши, уларнинг улушлари

белгиланиши; қўшиб олиш тўғрисидаги шартномада назарда тутилган бошқа ўзгаришлар киритилиши, шунингдек зарурат туғилганда бошқа масалалар, шу жумладан қўшиб олаётган МЧЖ органларини сайлаш тўғрисидаги масалалар юзасидан қарорлар қабул қилиниши билан боғлиқ ўзгаришларни унинг уставига киритиш учун «А» ва «Б» фирмалари иштирокчиларининг қўшма умумий йиғилишини ўтказиш зарур.

3-қадам. Қайта рўйхатдан ўтказиш учун давлат божини тўлаши.

4-қадам. Рўйхатдан ўтказувчи органга қуйидагиларни тақдим этиши:

- 1) белгиланган шаклдаги қайта рўйхатдан ўтказишга ариза (Низомга 9-илова);
- 2) ҳар бир ШКнинг қайта ташкил этиш тўғрисидаги қарори;
- 3) иккала ШК иштирокчилари қўшма умумий йиғилишининг қўшиб олаётган МЧЖ таъсис ҳужжатларига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қарори;
- 4) таъсис шартномаси;
- 5) МЧЖ уставининг янги таҳрири;
- 6) давлат бож тўланганлиги тўғрисидаги маълумотлар ёки белгиланган давлат бож миқдори тўланганлиги тўғрисида банк тўлов

ҳужжатининг нусхаси (ариза берувчи шахсан мурожаат этганда) (Низомнинг 32-банди);

7) топшириш далолатномаси;

8) асосий МЧЖ ваколатли органининг таъсис ҳужжатларида кўрсатилган устав фонди миқдори (у кўпайтирилганда) шакллантирилганлиги ҳақидаги ҳужжати;

9) қўшимча ҳиссалар тўлиқ миқдорда киритилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар (УФ миқдори кўпайтирилганда).

Қайта рўйхатдан ўтказиш ЯИДХП орқали ёки ўзи келган ҳолда амалга оширилади (Низомнинг 4-банди). Интернет орқали қайта рўйхатдан ўтказганда (яъни 1 ЭКИХнинг 25%) ўзи келгандагига (худди шу ставканинг 50%) қараганда 2 барабар кам давлат бож тўланади (Низомга 2-илованинг 23-банди).

5-қадам. «Б» фирмаси контрагентларига қўшиб олиш юз берганлиги ҳақида хабарномалар йўллаш лозим. Бу қонун ҳужжатларида белгиланмаган, бироқ контрагентлар билан ўзаро муносабатларда ана шундай зарурат келиб чиқади. Улар ҳам ўз ҳужжатлар оборотига (шартномавий, ҳисобот, тўлов ҳужжатлари ва ҳ.к.) тегишли ўзгаришларни тезкор равишда киритишлари керак.

¹Агар тегишли битимда иштирок этаётган шахслар активларининг жами баланс қиймати ЭКИХнинг 100 000 баравари миқдоридан ортиқ бўлса ёки уларнинг қўшиб юборилган ёки қўшиб олинган йилдан олдинги охирига календарь йилда товарларни реализация қилишдан олинган жами тушуми ушбу миқдордан ортиқ бўлса ёхуд улардан бири товар бозорида устун мавқени эгаллаб турган хўжалик юритувчи субъект бўлса, хўжалик юритувчи субъектларни товар бозорида қўшиб юбориш ва қўшиб олиш учун монополияга қарши органнинг олдиндан розилиги олиниши зарур. Агар хўжалик юритувчи субъектлар активларининг жами баланс қиймати ВМ томонидан белгиланган миқдордан ортиб кетса ёки ушбу хўжалик юритувчи субъектлардан бири устун мавқени эгаллаб турган бўлса, уларни молия бозорида қўшиб юбориш ва қўшиб олиш учун мазкур органнинг олдиндан розилиги олиниши зарур («Рақобат тўғрисида»ги Қонуннинг 16-моддаси 2, 3-қисмлари).

Молия бозорида — қўшиб юборишга, қўшиб олишга олдиндан розилик бериш тўғрисида ариза бериш санасида тегишли ҳаракатларни содир этишда иштирок этаётган

шахслар активларининг жами баланс қиймати эквивалентдаги миқдордан ортиқ бўлса (банкларга нисбатан — 450 млн АҚШ доллари, сугурта компанияларига нисбатан — 25 млн АҚШ доллари, лизинг компанияларига нисбатан — 3 млн АҚШ доллари) ва банк бўлмаган кредит ташкилотларига, қимматли қозғалар бозори профессионал қатнашчиларига нисбатан — 400 минг АҚШ доллари) ёхуд битим қатнашчиларидан бири молия бозорида устун мавқени эгаллаб турган бўлса (Низомнинг 4-банди 3-хатбошичи, ВМнинг 27.12.2013 йилдаги 344-сон қарорига 1-илова).

²Бир иштирокчидан таркиб топган жамиятда жамият иштирокчиларининг умумий йиғилиши ваколатлари жумласига кирувчи масалалар юзасидан қарорлар жамиятнинг ягона иштирокчиси томонидан яқка тартибда қабул қилинади ва ёзма равишда расмийлаштирилади (МЧЖ тўғрисидаги Қонуннинг 37-моддаси).

³Аслида мазкур норма ушбу материални тайёрлаш чоғида амалда бўлган қайта ташкил этиш ҳақидаги хабарни ОАВда эълон қилини талаб этувчи айрим қонун ҳужжатлари қоидаларига (масалан, МЧЖ тўғрисидаги Қонуннинг 49-моддаси 6-қисмига) зид келади.

«Қайта ташкил этиш» операцияси

3-бетда Кўшиб олиш якунлари юзасидан савол туғилади: «А» фирмасини шартнома тарафи дея «Б» фирмасининг амалдаги барча шартномаларини қайта расмийлаштириш зарурми? Кўшиб олишда универсал ҳуқуқий ворислик далили қонун ҳужжатлари билан белгиланганлиги сабабли муайян мажбуриятга нисбатан уни қўшимча равишда расмийлаштириш талаб этилмайди.

Топшириш далолатномаси ҳуқуқий ворисликни тасдиқловчи ҳужжат ҳисобланади. Шунга қарамай, ишбилармонлик амалиётида «қўшиб олиш шаклида қайта ташкил этиш муносабати билан» (ушбу битимлар шундай асосланади) қўшиб олаётганга қўшиб олинаётган фирманинг шартномасига ўзгартириш киритилиши тўғрисида қўшимча битим тузиш қабул қилинган. Агар бундай битим тузилмаса, бироқ қайта ташкил этишдан кейин амалдаги шартномага қайта ташкил этиш билан боғлиқ бўлмаган қандайдир ўзгартиришлар киритиш зарур бўлса, энди бу ҳақдаги битим қўшиб олаётган фирма номидан тузилади.



Шартномадан ташқари талаблар ва мажбуриятлар бўйича (масалан, қўйилган, бироқ тўланмаган счётлар, юкхатлар, далолатномалар асосида; асоссиз бойишдан; даъво аризалари ва ижро иши юритилиши асосида юзага келган) ҳам тўлиқ ҳуқуқий ворислик рўй беради.

Тегишли шахслар ва давлат органларига қўриб чиқилган қайта ташкил этиш шаклини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этилади.

«Б» фирмасининг алоҳида бўлинмалари (масалан, «А» фирмасига тегишлилиги сабабли солиқ ҳисобига қайтадан қўйиш); «А» фирмасининг солиқ солиш тизими (айтайлик, соддалаштирилган тизимдан умумбелгиланган тизимга); «Б» фирмаси, унинг алоҳида бўлинмаларининг банкдаги счётлари (агар ёпилмай, иккиламчи счётлар сифатида қолса); шунингдек унинг кўчмас мулки, транспорти ва интеллектуал мулк объектлари, ходимлари (уларни асосий МЧЖга ўтказиш йўли билан) ва ҳ.к. қайта расмийлаштирилиши ёки бошқача тарзда ўзгартирилиши мумкин.

Бир юридик шахснинг бошқасига қўшиб юборилиши билан боғлиқ тегишли хатти-ҳаракатларни амалга ошириш (топшириш далолатномасини тузиш, активларни баҳолаш ва ҳ.к.) зарурати ҳақидаги батафсил ахборотни 23-сон БҲМСдан топишингиз мумкин.

Камол Музаффаров,
«Norma Online» етакчи эксперти.

1. Ваколатхона фаолиятини қандай норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тартибга солади?

2. Ваколатхона қаерда рўйхатдан ўтказилади ва бунинг учун қандай ҳужжатлар керак бўлади?

О.Князева.

Қандай қилиб ваколатхона очиш мумкин

1 Ваколатхоналар фаолиятини тартибга солувчи асосий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қуйидагилардир:

- 1) Фуқаролик кодекси;
- 2) «Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида»ги Қонун;
- 3) Хорижий тижорат ташкилотларининг Ўзбекистон Республика-

си ҳудудидаги ваколатхоналарини аккредитация қилиш тартиби ва уларнинг фаолияти тўғрисидаги низом (ВМнинг 23.10.2000 йилдаги 410-сон қарорига 1-илова);

4) Президентнинг «Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони

2 Ваколатхоналарни очиш уларни ЎзР Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигида (бундан кейин – аккредитация қилувчи орган) аккредитация қилиш йўли билан амалга оширилади.

Республика ҳудудида ўз ваколатхонасини очиш учун аккредитация қилувчи органга ёзма ариза бериш зарур, унда қуйидагилар кўрсатилади:

- а) хорижий фирма фаолияти тўғрисида маълумотлар;
- б) Ўзбекистон Республикаси корхоналари ва ташкилотлари билан амалий ва бошқа турдаги алоқалар, бажарилишига ваколатхона кўмаклашадиган тузилган шартномалар ва битимлар тўғрисида муфассал маълумотлар;
- в) ҳамкорлиқни ривожлантириш истикболлари;
- г) ваколатхонани очишга рухсатнома сўраладиган мuddат (410-сон Низомнинг 10-банди).

Аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

а) хорижий фирма рўйхатдан ўтказилган давлатнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ хорижий фирманинг таъсис ҳужжатлари;

б) хорижий фирма жойлашган мамлакатда унинг расмий равишда рўйхатдан ўтказилганлигини тасдиқловчи, тегишли давлат органи томонидан берилган ҳужжат (давлат рўйхатидан ўтказилган-

лиги тўғрисидаги гувоҳнома ёки савдо реестридан кўчирма);

в) ваколатхона бошлиғига хорижий фирма томонидан берилган, паспорти маълумотлари ва унга берилаётган ваколатлар тўлиқ кўрсатилган ҳолдаги ишончнома;

г) хорижий фирма раҳбарияти томонидан тасдиқланган ва фирма мухри билан муҳрланган ваколатхона тўғрисидаги низом.

Юқорида кўрсатилган ҳужжатлар хорижий фирма рўйхатдан ўтказилган мамлакатдаги Ўзбекистон Республикаси консуллик муассасасида белгиланган тартибда легаллаштирилиши керак. У мавжуд бўлмаган тақдирда эса, хорижий фирма рўйхатдан ўтказилган давлатнинг Ташқи ишлар вазирлигида, мазкур мамлакатнинг Ўзбекистондаги консуллик муассасасида ёки дипломатик ваколатхонасида белгиланган тартибда легаллаштирилиши, кейинчалик ЎзР ТИВнинг консуллик бошқармасида тасдиқланиши керак.

Ҳужжатлар нотариал тасдиқланган давлат ёки рус тилидаги таржимаси билан тақдим этилади. Агар ҳужжатларга апостиль қўйилган бўлса, легаллаштириш талаб этилмайди.

Агар юқорида кўрсатиб ўтилган ҳужжатларнинг бир қисми хорижий фирма мамлакатининг қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган бўлса, у аккредитация қилувчи органга Ташқи ишлар вазирлигининг ёхуд хорижий фирма таъсис этилган мамлакатнинг Ўзбекистон Республикасидаги дипломатик ва-

(31.03.2017 йилдаги ПФ-4996-сон);

5) Вазирликлар, идоралар ва хўжалик бошқаруви органлари томонидан ундириладиган хорижий валютадаги божлар ставкалари, йигимлар ва солиқ бўлмаган бошқа тўловларнинг тарифлари (ВМнинг 19.08.1993 йилдаги 423-сон қарорига 2-илова).



колатхонасининг тасдиқномасини тақдим этади;

д) турар жой бўлмаган бино эгаси бўлган Ўзбекистон Республикаси юридик ёки жисмоний шахсининг мазкур бинони ваколатхонага ижарага беришга ёки сотишга тайёрлигини тасдиқловчи (ижарага бериш ёки сотиш шартлари ва мuddати кўрсатилган) кафолат хати. Агар кўрсатилган шахслар берилаётган бинонинг ёлловчилари ҳисобланса, у ҳолда кафолат хати ушбу бинонинг эгаси билан келишилган бўлиши керак (410-сон Низомнинг 11-банди).

Шу билан бирга ваколатхона аккредитация қилиш тўғрисидаги сертификат олингандан кейин 10 кун мuddатда:

➤ аккредитация қилувчи органга ўзининг почта манзили тўғрисида ёзма билдиришнома тақдим этишига;

➤ ваколатхона жойлашган жойдаги солиқ органларида ҳисобда туришга ва унинг ҳисобга қўйилгани тўғрисида аккредитация қилган органга маълумотнома тақдим этишга мажбурдир (410-сон Низомнинг 18-банди).

Ваколатхонани аккредитация қилиш учун эркин алмаштирилдиган валютада 1 200 АҚШ доллари миқдорида тўлов ундирилади, у хорижий фирма томонидан аккредитация қилувчи орган ҳисобрақамига ўтказилади (410-сон Низомнинг 12-банди; 423-сон Ставкаларнинг Х бўлими).

Жўрабек Муротов,
«Norma Online» эксперти.

Реклама



«СОЛИҚЛАР: САВОЛЛАР ВА ЖАВОБЛАР»

Ўзбек тилидаги қўлланмасини тақдим этамиз

Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1.
Тел. (998 71) 200-00-90. E-mail: office@norma.uz,
web: www.norma.uz

Янги ходимлар учун жадвал – келишувга кўра

Янги ходимлар ишга қабул қилинганда тасдиқланган таътиллار жадвалига ўзгартиришлар киритиладими?

О.Зопотарёва,
кадрлар бўйича инспектор.

Ҳа, янги ходим ишга қабул қилинганда таътиллار жадвалига ўзгартиришлар киритилади, сабаби унда жорий йилда муайян даврда таътилдан фойдаланиш ҳуқуқи юзага келиши мумкин.

Йиллик таътиллари бериш навбати календарь йил бошлангунга қадар иш берувчи томонидан қасб-а уюшмаси кўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишиб тасдиқланадиган жадвалга мувофиқ белгиланади (МКнинг 144-моддаси 1-қисми).

Таътилдан фойдаланишнинг жадвалда белгиланган вақти ходим билан иш берувчининг келишувига биноан ўзгартирилиши мумкин.

Таътил бериш вақти ҳақида ходим у бошланишидан камида 15 кун олдин хабардор қилиниши керак (МКнинг 144-моддаси 2-қисми).

Агар ходим белгиланган муддатда таътилнинг бошланиш вақти тўғрисида ўз вақтида хабардор қилинмаган ёки унга таътил бошлангунга қадар таътил вақти учун ҳақ тўланмаган бўлса, таътил ходимнинг аризасига мувофиқ бошқа вақтга кўчирилади (МКнинг 145-моддаси).

Таътиллар жадвали – йўғма жадвал. Уни тузиш чоғида амалдаги қонунчилик қоидалари, ташкилот фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари ва ходимларнинг хоҳиши инобатга олинади.

«КОРХОНА ЮРИСТИ»

Электрон маълумотноматизимини ЎЗБЕК ТИЛИДА тақдим этамиз

Тошкент ш. Миробод тумани, Таълимаржон кўч., 1/1.
Тел. (998 71) 200-00-90. E-mail: office@norma.uz web: www.norma.uz

Компенсация тўланиши лозим бўлган таътиллار

Меҳнат шартномаси бекор қилинганда фойдаланилмаган меҳнат таътили кунлари учун компенсацияда қўшимча таътиллари (масалан, нефть-газ соҳасидаги иш стажига учун) ҳисобга олиш зарурми?

Д.Нурмухамедова,
кадрлар бўйича мутахассис.

– Албатта.

Умумий қоидага кўра йиллик асосий таътиллardan (15 иш кун) ортиқча қўшимча таътиллари берилади. Яъни ҳақ тўланадиган йиллик таътилни умумий муддатини ҳисоблаб чиқаришда қўшимча таътиллари йиллик асосий таътилга қўшиб жамланади (МКнинг 140-моддаси).

Қўшимча таътил – айрим ходимларга белгиланган асосий таътилдан ортиқча тақдим этиладиган меҳнат таътилининг

бир тури. Уларни тақдим этиш муддати ва тартиби меҳнат тўғрисидаги қонунлар, бошқа норматив ҳужжатларда ёки меҳнат шартномасининг шартларида белгиланади (МКнинг 136-моддаси).

Шу тариқа, меҳнат шартномаси бекор қилинганда ходимга фойдаланилмаган барча йиллик асосий ва қўшимча таътиллари учун пуллик компенсация тўланади (МКнинг 151-моддаси 1-қисми, 275-моддаси 2-қисми).

Абдусалом Рисқуллаев, «Norma Online» етакчи эксперти.

Хизмат сафарини расмийлаштирамиз

Корхонамиз Ўзбекистоннинг бошқа минтақасида объект қурилиши учун пудрат шартномасини тузди. Корхонамиз раҳбари ишларни ташкиллаштириш ва ишлаб чиқариш билан боғлиқ бошқа масалаларни ҳал этиш учун объектга бориши зарур.

1. Тошкент шаҳридаги буюртмачи раҳбаримизнинг хизмат сафари гувоҳномасида у бошқа минтақада қурилаётган объектга келганлиги ва кетганлиги ҳақида белги кўя оладими?

2. Хизмат сафари гувоҳномасини қандай қилиб тўғри ва қанча муддатга бериш мумкин? Агар хизмат сафари объект қурилиши тузагунча давом этиши мумкин бўлса, бироқ раҳбар вақти-вақти билан Тошкент шаҳрига келиб турса, буйруқни қандай расмийлаштириш лозим?

3. Меҳмонхонада яшаганлик тўғрисида бир неча кунлик чеклар бор. Тасдиқловчи ҳужжатлари бўлмаган кунларда яшаш ҳақини қандай тўлаш мумкин?

М.Абдуллаева.

1. Хизмат сафари деганда ходимнинг ташкилот раҳбари фармойиши бўйича, ўзининг доимий иш жойидан ташқарида хизмат топширигини бажариш учун бошқа жойга, маълум бир муддатга юборилиши тушунилади.

Хизмат сафарига келаётган корхоналар ходимлари, шу жумладан раҳбарлари белгиланган шаклдаги махсус журналда рўйхатга олинади (АВ томонидан 29.08.2003 йилда 1268-сон билан рўйхатдан ўтказилган Ўйриқномага 3-илова). Корхона раҳбари тайинлаган шахс хизмат сафарига келаётган шахсларни рўйхатга олади ва хизмат сафарлари гувоҳномасига белги қўяди.

Хизмат сафарига юборилган жойда ҳақиқатда ўтказилган вақт хизмат сафари гувоҳномасида хизмат сафари жойига келган кундан хизмат сафари жойи-

дан кетган кун жойига белги қўйиш орқали аниқланади (Ўйриқноманинг 5-банди).

Бинобарин, хизмат сафари пулини ноқонуний расмийлаштириш ва назорат органлари эътироз қилиши эҳтимолига йўл қўймаслик мақсадида ижрочи раҳбар қурилаётган объектга келганлиги ва ундан кетганлиги ҳақидаги белгини хизмат сафари жойида қўйиш лозим.

2. Хизмат сафарига юборилган ходимга корхона раҳбари имзолаган ва муҳр билан тасдиқланган хизмат сафари гувоҳномаси берилади (Ўйриқномага 1-илова).

Хизмат сафари корхона раҳбарининг буйруғи (фармойиши) билан расмийлаштирилади, унда куйидагилар кўрсатилади:

- хизмат сафари пункти;
- ходим хизмат сафарига юборилаётган корхона номи;
- хизмат сафари мақсади, санаси ва давомийлиги;
- хизмат сафарига режа-топшириқ.

Раҳбар вақти-вақти билан Тошкент шаҳрига келиб туради, яъни ўз меҳнат вазифаларини бажариш учун қайтади. Шу сабабли иш жойига ҳар гал қайтганда хизмат сафари якунланган ҳисобланади ва қурилаётган объектга чиққанда янги хизмат сафари расмийлаштирилади. Бу ҳар гал хизмат сафарига чиққанда қурилиш ишлари бажариладиган жойга бориш ва қайтиш харажатларини тўлаш учун ҳам зарур.

Ходимларнинг хизмат сафари муддати ташкилот раҳбари томонидан белгиланади, бироқ ҳар бир ҳолатда йўлдаги вақтни ҳисобга олмаган ҳолда 40 кундан кўп бўлмаслиги керак.

Монтаж, созлаш ва қурилиш ишларини бажариш учун юбориладиган ишчилар, раҳбарлар ва мутахассисларнинг хизмат сафарлари муддати 12 ойдан кўп бўлиши мумкин эмас.

Ходимнинг хизмат сафари муддатини узайтиришга истисно тариқасида хизмат сафарига юборган таш-



килот раҳбарининг ёзма рухсатномасига асосан йўл қўйилади (Ўйриқноманинг 4-банди).

3. Ходим хизмат сафаридан қайтган кундан эътиборан 3 кун мобайнида бухгалтерияга унинг натижалари тўғрисида раҳбар тасдиқлаган ёзма ҳисоботни тақдим этиши шарт (Ўйриқноманинг 15-банди).

Ҳисоботда қайд этилган барча харажатлар лозим даражада расмийлаштирилган ҳужжатлар билан тасдиқланган, шунингдек ташкилот раҳбари томонидан тасдиқланган бўлиши шарт.

Турар жойни ижарага олиш бўйича харажатлар ҳақиқатдаги харажатлар, шу жумладан меҳмонхоналарда кўрсатиладиган қўшимча хизматларга (жойларни бронлаш; дазмол, сақлаш камераси, телевизор, музлаттич, идиш-товоқдан фойдаланиш; алоқа хизмати) ҳақ тўлаш бўйича харажатларни тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлган тақдирда қўланади.

Турар жой хонасини ижарага олганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар йўқ бўлган ҳолларда, харажатлар ҳар бир сутка учун белгиланган ЭКИХ миқдорининг 2% миқдоридан қўланади (Ўйриқноманинг 12-банди).

Валерия Ляндрес,
кадрлар хизмати ходими.

Кадрларга оид мажбурий ҳужжатлар

Мулкчиликнинг барча шаклидаги корхоналар, муассасалар, ташкилотларда, ходимларнинг сонидан қатъи назар, кадрларга оид ҳужжатлар албатта юритилиши керак. Бу ҳужжатлар Меҳнат кодексда тўғридан-тўғри ёхуд билвосита тилга олинган ва ҳар бир иш берувчида бўлиши шарт.

Раҳбар, хусусан, МКга мувофиқ ходимлар билан меҳнат шартномаларига эга бўлиши (МКнинг 1-моддаси 3-қисми, 72–75-моддалари), меҳнат дафтарчаларини юритиши (МКнинг 81-моддаси), ҳар бир ходимнинг ҳақиқатда ишлаган иш вақти таътил ҳисобини, шу жумладан иш вақтидан ташқари ишлаган вақтини ҳисобга олиб бориши (МКнинг 125-моддаси 2-қисми), таътиллари бериш навбати жадвалини (МКнинг 144-моддаси), ички меҳнат тартиби қоидаларини тасдиқлаши (МКнинг 174-моддаси), меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари даражасига риоя этиши шарт (МКнинг 153-моддаси 2-қисми).

Кадрларга оид ҳужжатларни тузиш, расмийлаштириш ва юритишни қуйидаги тегишли қонунчилик ва бошқа норматив ҳужжатлар ҳам тартибга солиди:

➤ «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонун;

➤ Олий таълим муассасаларига педагог ходимларни танлов асоси-

да ишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низом (ВМнинг 10.02.2006 йилдаги 20-сон қарори билан тасдиқланган);

➤ ВМнинг «Касаначиликни ташкил этишни такомиллаштириш ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти ва ҳўжалик бошқаруви органлари раҳбарларининг уни ривожлантириш параметрлари бажарилиши юзасидан жавобгарлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори (1.07.2008 йилдаги 146-сон);

➤ Меҳнат дафтарчаларини юритиш тартиби тўғрисидаги йўриқнома

(АВ томонидан 29.01.1998 йилда 402-сон билан рўйхатдан ўтказилган);

➤ ОС Пленумининг «Судлар томонидан меҳнат шартномаси (контракти)ни бекор қилишни тартибга солувчи қонунларнинг қўлланиши ҳақида»ги қарори (17.04.1998 йилдаги 12-сон) ва ҳ.к.

Кўпгина ташкилотларда кадрлар хизмати алоҳида таркибий бўлинма ҳисобланади. Катта бўлмаган ташкилотларда кадрлар хизмати ишини, одатда, котиб ёки бухгалтер бажаради.



Кадрлар бўлимида албатта бўлиши керак бўлган ҳужжатлар:

- ◆ штат жадвали;
- ◆ меҳнат шартномаси (контракти);
- ◆ ходимларнинг лавозим йўриқномалари;
- ◆ бўлим тўғрисида низом;
- ◆ ишга қабул қилиш, бошқа ишга ўтказиш, таътил бериш, меҳнат шартномасини (контрактини) бекор қилиш тўғрисидаги буйруқлар (фармойишлар);
- ◆ шахсий варақа (Т-2-сон шакл);
- ◆ таътиллار жадвали;

- ◆ иш вақтидан фойдаланишни ҳисобга олиш табели;
- ◆ ички меҳнат тартиби қоидалари;
- ◆ меҳнат дафтарчаси;
- ◆ меҳнатни муҳофаза қилишга доир локал ҳужжатлар;
- ◆ меҳнат дафтарчалари ҳисобини юритиш дафтарлари;
- ◆ ишга қабул қилишда талаб этиладиган ҳужжатлар (МКнинг 80-моддаси);
- ◆ меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари тўғрисидаги низом.

Кадрларга оид ҳужжатларни тартибга солишда бир неча турга бўлиш мумкин:

ташкилий ҳужжатлар — кадрлар хизмати тўғрисидаги низом, ушбу хизмат ходимларининг лавозим йўриқномалари, ички меҳнат тартиби қоидалари, штат жадвали;

фармойиш берувчи ҳужжатлар — кадрлар билан ишлашни такомиллаштириш масалаларига доир буйруқлар, фармойишлар ва кўрсатмалар (корхонанинг асосий фаолиятига тааллуқли фармойиш берувчи ҳужжатлар) ҳамда кадрлар ҳаракати жараёни, уларни ҳисобга олиш, баҳолаш ва ҳ.к. аниқ бошқарув ҳолатларини акс эттирувчи шахсий таркибга доир буйруқлар (фармойишлар);

ахборот берувчи ҳужжатлар — аттестация комиссияларининг йиғилиш баённомалари, меҳнат интизоми бузилганлиги ҳақидаги далолатномалар, кадрлар билан ишлаш масалалари юзасидан ёзишмалар, хизмат ва тушунтириш хатлари, аризалар, таътиллار жадваллари ва ҳ.к.

Кадрлар ишини юритишда ходимларнинг меҳнат фаолиятини ҳужжатлаштириш мажбурий бўлиб,

тузилиши ва расмийлаштирилиши қоидалари етарлича мураккаб бўлган кўп сонли ҳужжатларни талаб этади. Шунга қарамай, меҳнат фаолияти тўғрисидаги барча маълумотларни қайд этувчи ҳужжатлар ҳар бир ходим учун жуда муҳимдир.

Кадрларга оид ҳужжатларни, аввало шахсий таркиб бўйича буйруқларни тайёрлашда МК моддаларига амал қилиш зарур. Кодексда меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатларни ҳужжатлаштириш зарурати тўғридан-тўғри кўрсатилган. Масалан: меҳнат шартномаси ёзма шаклда тузилади (МКнинг 74-моддаси); ишга қабул қилиш иш берувчининг буйруғи билан расмийлаштирилади. Буйруқ чиқариш учун ходим билан тузилган меҳнат шартномаси асос бўлади. Буйруқ ходимга маълум қилиниб, тилхат олинади (МКнинг 82-моддаси); иш берувчи корхонада 5 кундан ортиқ ишлаган барча ходимларга меҳнат дафтарчасини тутиши шарт, ўриндошлик асосида ишловчилар бундан мустасно (МКнинг 81-моддаси) ва ҳ.к.

Амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар кадрларга оид ҳужжатлар-

нинг аниқ турлари билан ишлашни тартибга солиди. Чунончи, меҳнат дафтарчаларини юритиш, ҳисобга олиш ва бериш тартиби 402-сон Йўриқномада баён этилган. Кейинчалик унга: яқка тартибдаги тадбиркорларга; хорижда меҳнат фаолиятини амалга оширган Ўзбекистон Республикаси фуқароларига; ўриндошлик асосида ишга қираётган шахсларга; ходимларнинг аризаларига кўра 5 кундан ортиқ бўлмаган муддатга меҳнат дафтарчаларини беришга; талабалар, ўқувчилар, аспирантлар (стажёрлар-тадқиқотчилар-изланувчилар), докторантлар (катта илмий ходим-изланувчилар) ва тиббиёт ординаторларига; ишсиз шахсларга тааллуқли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган.

Корхона ходимлари ҳаракатини расмийлаштиришда кадрлар хизмати бажарадиган таомиллар тегишли ҳужжатларни тузишни талаб этади. Корхонада кадрлар ҳаракати жараёни кузатиб борувчи: қабул қилиш, ўтказиш ва меҳнат шартномасини бекор қилиш; таътиллари бериш; хизмат сафарига юборишга доир ҳужжатлар энг кўп сонли саналади.



Давлат мактаби ўқитувчилари учун таътиллари давомийлиги қандай белгиланади ва қандай норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинади?

А.Умаров.

Ўқитувчининг узоқ дам олиши

— Мактаблар, олий ва ўрта махсус, касб-хунар ўқув юртлари, кадрларнинг малакасини ошириш, уларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш институтлари ва курсларининг муаллимлари таркибига биринчи иш йилида йиллик таътил уларнинг мазкур ўқув юртига ишга кирган вақтидан қатъи назар ҳақиқий ишлаган вақтига мутаносиб равишда ҳақ тўлаган ҳолда ёзи таътил даврида **тўлиқ** берилади (МКнинг 143-моддаси 4-қисми).

Мактаблар ва педагогика ўқув юртлари директорлари (мудирлари), ўқув қисми му-дирлари, **ўқитувчилари**, ҳарбий раҳбарлари, пионерлар йўлбошчилари ва мактаб инспекторларига **48 иш кун** давом этадиган **таътиллари белгиланган** (Собиқ ССР Иттифоқи Министрлар Кенгашининг 21.04.1949 йилдаги 1577-сон қарори 6-банди).

ЎзР Олий Кенгашининг «Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги тўғрисидаги Битимни ва Протоколни ратификация қилиш ҳақида»ги қарори (4.01.1992 йилдаги 481-XII-сон) 2-банди ва ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг «Собиқ ССР Иттифоқининг қонунга оид ҳужжатларини қайта кўриб чиқиш ишларини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори (29.04.1992 йилдаги 210-сон) 1-банди билан белгиланганидек, Ўзбекистон Республикасининг тегишли қонун ҳужжатлари ва норматив ҳужжатлари қабул қилингунга қадар собиқ ССР Иттифоқининг қонунлари ва қонунга оид ҳужжатларининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва қонунчилигига зид бўлмаган қисмларининг амал қилиши давом этади.

Шу тариқа, мактаблар ўқитувчиларига таътил давомийлиги 48 иш кун

Эълон

ЖАВОБ БЕРАМИЗ

лойиҳаси доирасида «СБХ» ва «Норма маслаҳатчи» газеталари комплекти обуначилари ҳамда «Norma» дастурий маҳсулотларидан фойдаланувчилар

200-00-59
телефони орқали

(шаҳарлараро кўнгирақлар учун кодлар: узл телефондан +99871, стационар телефондан 0371) солиқ солиш ва бухгалтерия масалалари юзасидан саволларга экспертларимиздан жавоб олишлари мумкин. Ҳафтаини 5 кун давомиди соат 10.00 дан 17.00 гача. Тушлик вақти соат 13.00 дан 14.00 гача.

Бухгалтерларнинг ҳаммасига Юридик шахслар томонидан касса операцияларини юритиш қоидалари яхши маълум: ташкилотлар ўз пул маблағларини банкларда сақлашлари шарт. Албатта, улар ўз кассаларида иш куни охирида қолган нақд пулларини сақлашлари мумкин, бироқ улар фақат белгиланган лимит доирасида бўлиши керак. Бунда ташкилотта тегишли бўлмаган нақд пул ва бошқа қимматликларни кассада сақлаш тақиқланади. Ташкилотларда барча пуллар ва бошқа қимматликлар ёнмайдиган металл жавонларда (сейфларда) сақланади. Иш куни тугаши билан улар калит билан қулфланади ва кассир муҳри билан сургучланади. Муҳр шикастланган, қулф, эшик ва панжаралар бузилган тақдирда кассир дарҳол бундан ташкилот раҳбарини хабардор қилиши шарт. У эса ўз навбатида юз берган воқеа ҳақида ички ишлар органларига маълум қилиши ва милиция ходимлари келишигача кассани қўриқлаш чораларини қўриши керак.

Бироқ, амалиётнинг кўрсатишича, агар қоидалар бузилган бўлса, демак бу кимгадир керак танидан дарак беради...



Апельсин ўрнига картошка

Хатто менинг узок давом этмаган терговчилик фаолиятимда қўлга тушган ёш бола — ўғри турли дўконларда тунлари содир этган ўғирликлари тўғрисида чин дилдан кўрсатмалар берган ҳоллар бўлган. Гап шундаки, ўғри бола озиқ-овқат маҳсулотларини ўғирлаган, касса қутичаларида пул қолган бўлса, уларни ҳам бегона қилмаган. Ҳолбуки, тунда кассаларда пул қолмаслиги керак эди.

Ўғирланган сейфда нима бор эди?


Шунга ўхшаган воқеа Қарағандада кўп йиллар аввал юз берган. Ўшанда прокуратура терговчиси З.И.Кравченкога аввал вояга етмаганлар П. ва Л. томонидан ДОСААФ хонасидан иккита пневматик милтиқ ўғирланганлиги тўғрисидаги иш топширилди. Ушланган болалар ўғирлик қилганликларига дарҳол икор бўлишди ва дастлабки сўроқлардаёқ ўз кўрсатмаларини тасдиқлашди.

Терговчи ўсмирлар шахси тўғрисидаги маълумотларни тўпларкан, тавсифномаларни сўраб олиш билан чекланмади. Зоя Ивановна гувоҳлар билан суҳбатлашаркан, болаларнинг хатти-ҳаракатлари сабабларини ва уларни жиноят қилиши ундаган ҳолатларни тушунишга ҳаракат қилди. Олинган маълумотлардан у айбланувчиларни сўроқ қилишларда фойдаланди. Ўсмирлар терговчига нисбатан самимий бўлишди ва ундан ҳеч нарсани яширишмади. Улар ўзлари содир этган бошқа жиноят — Қозогистон темир йўли Қарағанда бўлими ишчилар таъминоти бўлинмасининг сабзавот омбори идорасидан стол сейфини ўғирлаганликлари тўғрисида ҳам айтиб беришди.

Ўғирланган сейфда улар 4 минг сўм топишган. Бу пуллар дарҳол сарфлана бошланганди: магнитофонлар, мопедлар, транзистор приёмниклар ва бошқа қимматбаҳо ашёлар сотиб ола бошлашди. Ўлар ҳеч қаерда ишламасалар-да, бўш вақтларини кафеда ўткази бошлашди, шаҳар ичида таксида юра бошлашди.

Зоя Ивановна ҳикоя қилинаётган воқеалардан ярим йил аввал сабзавот омбори идорасидан ҳақиқатан ҳам стол сейфи ўғирланганлигини аниқлади. Ушбу ўғирлик далили бўйича жиноят иши кўзгатиш рад этилиши тўғрисидаги қарорда кўрсатилишича, сейфни шахси аниқланмаган жиноятчилар ўғирлаганлар, бироқ уларни қидириш мақсадга мувофиқ эмас. Зеро давлатга ҳеч қандай зарар етказилмаган. Омбор мудири К.нинг тушунтиришича, сейфда пул ҳам, қимматликлар ҳам бўлмаган. Унда бор-йўғи бир неча фактурагина бўлиб, улар муқобил ҳужжатлар асосида тикланган. Бўм-бўш сейф кўп ўтмай канализация қудугидан топилган.

Терговчида болаларга ишонмаслик учун асос йўқлиги боис жиноят ишини кўзгатиш рад этиш тўғрисидаги қарор бекор қилинди ва Зоя Ивановна ушбу воқеани текширишга киришди.



Омбор мудири К.ни дарҳол сўроқ қилишнинг иложи бўлмади — у Сочида дам олган, кейин Рига соҳилига жўнаган. Бироқ терговчи шу заҳотиёқ унинг фаолияти билан таниша бошлади.

Ўрганилган ҳужжатларга қараганда, К.нинг омборида яхши натижалар берган тафтишлар мунтазам ўтказиб келинган. Бироқ Зоя Ивановна ўсмирларга ишонади ва барибир сейфда қанча пул бўлганлиги, улар қайси манбадан олинганлигини аниқлашга қарор қилади. Омбор мудирининг жиноят ишини кўзгатиш ни рад этишга асос бўлган ёзма тушунтиришлари у сейфда нима борлиги тўғрисидаги ҳақиқатни яширган деб тахмин қилишга асос бўлди.

Ортиқча маҳсулотлар қаердан келди?

Тезкор тергов йўли билан у омбордан кўп миқдорда сабзавот ва мевани нақд пулга сотганлиги тўғрисида маълумотларни топишга муваффақ бўлинди. Таътилдан қайтган К. ушбу ҳолатни инкор этиб ўтирмади. «Ҳа, ҳақиқатан ҳам, — дадил жавоб берди, у — бундай ҳоллар бўлиб ўтган». Бироқ сотишдан олинган пулларни у дарҳол дўконларнинг сотувчилари О. ва К.га топширган, улар буни товарсиз юкхатлар билан расмийлаштирганлар. Сотувчилар ушбу кўрсатмаларни тасдиқлашди.

Терговчи омбор бўйича ҳужжатлар тафтишини тайинлади. Тафтишчилар билан биргаликда терговчи истисносиз барча бухгалтерия ҳужжатларини кўриб чиқишни белгилади. Ушбу иш муваффақиятли бўлди. Аниқланишича, ойланинг бирида жамғарма қайдномасига қайд этиш тўғри қилинган, саҳифалардаги яқунлар ҳам тўғри ҳисобланган, бироқ суммалар жамғарма қайдномасидан оборот қайдномасига кўчириш чоғида нотўғри ёзув киритилган: сарф қилиш 10 тонна картошка, 10 тонна тарвуз ва 10 тонна олмага кўпайтирилган.

Бошланғич ҳужжатларнинг ҳаммасини текшириб, унинг арифметик хато эмаслигига ишонч ҳосил қилишди. База бухгалтерия Т. айнан шу тарзда сабзавот омбори бўйича ортиқча сабзавот ва мева бўлишини юзага келтирган.

Омборда ортиқча маҳсулот ҳосил бўлишининг бошқа усуллари ҳам аниқланган. Масалан, тўлақонли сабзавот — картошка, қарам билан бирга алоҳида карточкаларда ва нархсиз ҳисобга олиниши керак бўлган тупрок ва қарам барги келиб тушган. Шунингдек улар айна омбор мудири К.нинг ҳисоботидан ҳисобдан чиқарилиши керак эди. Бухгалтер эса уларни қирим қилмасдан ва алоҳида қирим карточкалари бўйича уларнинг миқдорини товаршунос далолатномаларига биноан чакана нархларга кўра К.нинг ҳисоботидан ҳисобдан чиқармаган, яъни амалда тўлақонли сабзавотлар ҳисобдан чиқарилган, натижада омбор бўйича ортиқча маҳсулотлар ҳосил бўлган.

Тафтиш 3 йил ичида сунъий равишда 55 минг сўмликдан зиёд ортиқча сабзавот ва мева ҳосил қилинганлигини аниқлади.

К. унга фош қилувчи ҳужжатлар тақдим этилгандан кейин омбордаги ортиқча маҳсулотларни бухгалтер Т. ҳосил қилганлигини тан олди. Бироқ буни қандай амалга оширганлигини билмайди, чунки ҳисоботларни унинг учун бухгалтернинг ўзи тузган. Т. билан тил бириктириб, биргаликда талон-торож қилиш билан шугулланган, омбордан сотилган сабзавот учун пулларни ўзлаштирган. Ўғирланган 55 минг сўмдан бухгалтерга тахминан 12–14 мингини берган.

Оддий бухгалтернинг шоҳона ҳаёти

Бухгалтер Т. тергов бошланишига қадар Краснодар ўлкасига кўчиб кетган, у ерда 10 минг сўмга уй, шунингдек қимматбаҳо мебель сотиб олган эди. Бошқа шаҳарда яшайдиган қизи учун кооператив квартира, мебель, машина, гиламлар харид қилган. Терговчининг қақирувларига Т. келмаган.

Терговчининг топширигига кўра милиция ходимлари Т. Қарағандадаги танишлари уйда яширинганлиги ва ўз алоқалари орқали тергов қилинаётган ишнинг ҳолатларини аниқлашга уринганлигини аниқладилар. Бироқ кўп ўтмай уни ушлашган ва сўроқ қилишга муваффақ бўлинди.

Терговнинг кўрсатишича, Т. малакали бухгалтер бўлган, йиллар давомида савдо ташкилотларида ишлаган. Тергов вақтида у тафтишчилар билан биргаликда ҳар бир бухгалтерия ҳужжатини қайтадан текширди, тафтиш яқунларини синчиклаб ҳисоблаб чиқди ва маҳоратли мутахассисгина у гоёда пухталиқ билан бажарган бухгалтерия проводкаларини фош эта олишлигини афсус билан тан олди. Бунда, чиндан ҳам, тафтишчининг хизмати катта бўлди.

Омбор мудири нима билан ва қандай савдо қилган

Терговчи К.нинг пулларни муомаладан чиқариб олиш бўйича жиноий ҳаракатларини фош қилишда жуда кўп қийналди. Гарчи тергов у омборда сабзавот ва мевани сотганлиги тўғрисида ўнлаб ҳужжатли кўрсатмаларга эга бўлса-да, уларни 50 минг сўмга сотиш амалда мумкин эмаслиги равшан эди. Бунинг устига юзлаб тонна картошка, помидор, бодринг ва бошқа маҳсулотлар ортиқча эди. Омбор мудирининг ўзи эса шаксиз исботланган нарсаларнигина тан олди.

Ушбу ортиқча маҳсулотларни омбордан сотиш йўллари топиш керак эди. Ана шу мақсадда терговчи яна сабзавот дўконлари сотувчиларини сўроқ қила бошлади. Сотувчи О. май ойида товарсиз юкхат бўйича сотган апельсинлари учун 1 минг сўмдан кўп пул олганлигини кўрсатди. Бу эса омбор мудирининг омбордан саб-

Апельсин ўрнига картошка



завот сотганлари учун сотувчиларга пул берилганлиги тўғрисидаги аввалги кўрсатмаларини тасдиқлагандек эди.

О. ишлаган дўкон бухгалтериясида терговчи у май ойида топширган тушум тўғрисидаги квитанцияни текширди. Маълум бўлишича, апрель-июнь ойлари учун дўконнинг тушуми бор-йўғи 30–50 сўмга тенг бўлган, чунки апельсин сотиладиган мавсум эмас эди. Тушум топширилганлиги ва ушбу даврда сотувда апельсин бўлмаганлиги тўғрисидаги ҳужжатларни олиб ҳамда сўроқ қилишга пухта тайёрганиб, терговчи О.ни чақирди. Ҳужжатлар орқали фош этилган сотувчи омбор мудири К. унга пул ўрнига картошка, помидор ва бодринг бериб, ўзида апельсин камомати аниқланганлиги, бироқ картошка ва сабзавот ортиқча бўлиб чиққанлигини тушунтирилганлигини тан олган.

О.нинг дўкони бўйича ҳужжатлар тафтиши 6 минг сўмдан зиёд ортиқча картошка ва сабзавот борлигини тасдиқлади.

Терговчининг омади келди: гарчи дўконда ҳисоб ялпи тарзда юритилса-да, бироқ, чакана савдодан ташқари, О. кўп муассасалар: мактаблар, болалар боғчалари, касалхоналарга ҳам товарлар берган – булар ҳужжатда акс этган. Уларга қараб ортиқча маҳсулотларни аниқлашга ҳам муваффақ бўлинди. Сотувчи О.нинг айтишича, унинг дўконига апельсин ва мандаринларни беришга доир барча юхатлар товарсиз бўлган. 20 минг сўмлик суммага у фактуралаган цитрус мевалари ўрнига К. омбордан картошка, помидор ва бодринг берган, уларни сотувчи дўконда сотган, цитрус меваларини эса К.нинг ўзи омбордан сотган. Омбор мудирининг ортиқча маҳсулотларни сотиш усули шу тарзда аниқланди.

Хотима

Омбор мудири К., бухгалтер Т. ва талон-торож бош-қа иштирокчилари жиноий жавобгарликка тортилди ва турли жазо чоралари белгиланди.

К. эгалик қилган мол-мулкка (3 та мебель гарнитураси, телевизор, совуткич ва бошқалар) ва Т.нинг мол-мулкига (уй, кооператив квартира, қимматбаҳо ашёлар) банд солинди. Зарар қопланишини таъминлашга (мол-мулк бандидан ташқари) жами 28 минг сўмдан ортиқ суммада қимматликлар олиб қўйилган.

Тергов давомида жиноят содир этишга имкон қилган сабаб ва шароитлар аниқланган – талон-торожлар ҳужжатлар етарлича таҳлил қилинмай, тафтишлар юзаки ўтказилиши туфайли ўз вақтида очилмаган. Тафтишчиларнинг ҳеч бири энг оддий ишни қилмаган: жамғарма қайдномаси якунларини текшира бориб, улар оборот қайдномага тўғри киритилганлигини солиштирмаган. Ўз вазифаларини бажаришда жиноят-корона – совуққонликка йўл қўйган турт тафтишчи ҳам жиноий жавобгарликка тортилган.

Ольга Маршанская.

СИЗНИНГ ҲУҚУҚИНГИЗ

Шахсий ҳамёнингизни корпоратив ҳамён билан адаштирманг

Иш ҳақи пластик карточкасида корпоратив карточкага электрон тўлов тизимлари (Click, Payme ва б.) орқали маблағни ўтказиш мумкинми, қандай ҳужжатлар асосида?

О.Костова.

– Йўқ, жисмоний шахс ўз иш ҳақи банк картасидан тўлов тизимлари орқали пул маблағларини юридик шахснинг корпоратив банк картасига ўтказишга олмайди.

Шахсий банк картаси сақловчиси (эгаси) бўлган жисмоний шахс унинг карта ҳисобварағида ҳисобга олинадиган пул маблағларини тасарруф этишга ҳақи (АВ томонидан 30.04.2004 йилда 1344-сон билан рўйхатдан ўтказилган Низомнинг 7, 36-бандлари).

Корпоратив банк картаси (КБК) юридик шахсга банк томонидан берилади, унга карта ҳисобварағида ҳисобда турган пул маблағларини

тасарруф этган ҳолда товарлар, ишлар ёки хизматларни сотиб олиш учун нақд пулсиз шаклда тўловларни амалга ошириш ҳуқуқини беради (АВ томонидан 18.04.2005 йилда 1470-сон билан рўйхатдан ўтказилган Низомнинг 1-банди).

Карта ҳисобварағини тўлдириш карта ҳисобварағини очган юридик шахснинг тўлов топшириқномасига асосан унинг асосий талаб қилиб олинганча депозит ҳисобварағидан амалга оширилади (1470-сон Низомнинг 4-банди).

Карта ҳисобварағидаги сарфланмай қолган маблағларни асосий талаб қилиб олинганча депозит ҳисобварағига қайтариш тўлов топшириқномаси билан амалга оширилади (1470-сон Низомнинг 12-банди).

Шу тариқа, жисмоний шахс ўз иш ҳақи банк картасидан тўлов тизимлари воситасида КБКга пул маблағларини ўтказишга ҳақи эмас.

Сабоҳат Султонова,
«Norma Online» эксперти.



Иқтисодий-ҳуқуқий газета
НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ҲУҚУҚ
СОЛИКЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

ТАЪСИСЧИ «Norma Hamkor» МЧЖ

Газета 2006 йил 26 декабрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинди.
Рўйхат рақами 0074.
Ҳафтада бир марта сешанба кунлари чиқади.

Бош муҳаррир
Фарҳод Собирovich
ҚҮРБОНОВ

Нашр учун масъул –
бош муҳаррир
уринбосари,
масъул котиб
Нодир Носирович
АЛИМОВ

Адабий муҳаррир
Зулфия
Саидмуратовна
РАҲИМБЕКОВА

Саҳифаловчи
Наталья
БАРАНОВА

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
100105, Тошкент ш., Миробод тумани,
Таллимаржон кў., 1/1,
Таҳририят тел. 200-00-90
Обуна бўлими тел. 200-00-30
E-mail: sbx@norma.uz,
gazeta@norma.uz,
web: norma.uz

Газета нашр – «ТОПРИНТ» МЧЖнинг компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.
Нашр кўрсаткичи – 186. Қўғоз бичими – А3. Ҳажми – 2 босма тибос. Баҳоли келтирилган нархда.
Буюртма 984. Адади 1 150. Газета 2017 йил 29 май соат 18.00 да топширилди.

Эълонлар ва реклама

ТЕКШИРИШЛАР РЕЖА-ЖАДВАЛИ – ОНЛАЙНДА

Хурматли ўқувчилар!

Текширишлар тўғрисидаги ахборотни таҳририятимиз босма тарзда чоп этмаётганини эслатиб ўтаёмиз. Текширишлар режа-жадвалини газеталаримизда жойлаштиришдан воз кечар эканмиз, бу саҳифалар майдонини бошқа долзарб материалларга бағишлашга қарор қилдик.

Лекин сиз **norma.uz** сайтимизга кириб, назорат қилувчи органлар реестри ва 2017 йилда фаолияти текширилаётган ҳўжалик юритувчи субъектларнинг рўйхати билан танишиш имкониятига ҳали ҳам эгасиз. 2017 йил учун тадбиркорлик субъектларини текширишлар режа-жадвали ДСҚ-нинг **soliq.uz** расмий сайтида ҳам эркин фойдаланиш тарзида жойлаштирилган.

Бироқ қонунчиликка мувофиқ, Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика кенгашига Текширувларнинг режа-жадвалига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳуқуқи берилганлигини унутмаслик керак. Шунинг учун **norma.uz** сайтига ҳар ойда кўз ташлаб туришни тавсия этаёмиз.

Таҳририят.



«КИЧИК КОРХОНА ЭЛЕКТРОН БУХГАЛТЕРИ»

Ўзбек тилидаги қўлланмасини тақдим этамиз

Топишнинг ш. Миробод тумани,
Таллимаржон кў., 1/1. Тел. (998 97) 200-00-90.
E-mail: office@norma.uz,
web: www.norma.uz

Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги
www.norma.uz

ХИЗМАТЛАР

Ташкилотлар учун компьютер ва маиший техникани ҳисобдан чиқариш учун ҳужжатларни тайёрлаш. Тўлов – исталган шаклда.
Тел.: 236-76-46, 233-74-95, 233-17-56.

Иш ҳужжатларини муқовалаш. Тел.: (+998 93) 556-61-31, (+998 90) 189-28-09.

Малакали адвокат. Тел.: (+998 97) 402-16-02.

Хизматлар лицензияланган.